

# Муҳаммад алайҳиссаломга муҳаббатли бўлиш

15:03 / 22.04.2017 2895

مَلَسَ وَهَيْلَعُ هَلَلِ اِلَّصِ هَلَلِ اِلَّوَسَّرَ لِقِ اِقْ اِقْ هُنَّ عُلَّ لَلِ اِيضَرَ سَنَانٌ وَعَو  
"نِيغَمُحْ اِسَانِ لَوِ وِدَلَوِ وِدَلَوِ وِدَلَوِ نَمِ هَيْلِ اِبْحَ اِنُوكَا اِيْتَحْ مُكُذَحْ اِنْمُؤِي اَلِ".  
هَيْلَعُ قَفْتُمْ

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У киши айтдилар:*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**« Мен сизларга отасидан ҳам, боласидан ҳам ва барча инсонлардан ҳам суюклироқ бўлмагунимча, сизлардан бирортангиз ҳақиқий мўмин бўла олмайсизлар»,** дедилар. *Муттафақун алайҳ.*

Ҳадисни шарҳлашдан олдин ушбу ҳадис ровийси Анас ибн Молик ҳақида озгина маълумот бериб ўтамыз.

**У кишининг тўлиқ исмлари** - Анас ибн Молик ибн Назр ал-Ансорий, ал-Хозражий, ан-Нажжорийдир.

**Куняси** - Абу Ҳамзадир. Ҳамза - “бақла” деб номланган полиз экинидир. Бу ҳақида Анас розияллоҳу анҳу шундай деганлар:

هَلْ قَبِّبَ مَلَسَ وَهَيْلَعُ هَلَلِ اِلَّصِ هَلَلِ اِلَّوَسَّرَ لِقِ اِقْ اِقْ ، سَنَانٌ وَعَو  
يِدْمُرَّتْ لَوِ هَجْرُحْ اِهْ اِيْنَتَجْ اُتُنُكْ

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У киши: “Мен бақлани териб олаётган пайтимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени “бақла” деб куняладилар”,* дедилар.

**Онаси** - машҳур саҳобия Умму Сулайм бинти Милҳон бўлган.

**Отаси** - Молик ибн Назр мушрик ҳолида ўлиб кетган.

Анас ўн ёшга етганларида оналари Умму Сулайм уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хизмат қилиш учун олиб борадилар ва Муҳаммад алайҳиссаломдан фарзанди ҳаққига дуо қилишни сўрайдилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Эй Аллоҳим, унинг молига ва фарзандига барака бергин, унинг умрини узун қилгин ва**

**гуноҳини мағфират қилгин”**, деб дуо қиладилар.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз алайҳиссалом Мадинага келганларидан кейин, ўн йил у зотга хизмат қилдилар. У Набий алайҳиссаломга шундай хизмат қилдиларки, натижада саҳобалар орасида **“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ходими”** деган лақабни олдилар.

Умар розияллоҳу анҳу даврида инсонларга илм тарқатиш мақсадида Басрага борадилар. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг дуолари шарофатидан узоқ умр кўрадилар. Ҳижрий 93-йили 100 ёшдан ошгандан кейин Басрада вафот этадилар. Басрадаги энг охири вафот этган саҳоба шу киши эди, дейилади.

### **Ҳадис шарҳи:**

Инсониятда мавжуд бўлган муҳаббат уч хил бўлади:

**1. Табиий муҳаббат** - буни Аллоҳ таоло инсоннинг асл фитратида бор қилиб яратган. Бу муҳаббатда инсон учун яхши кўриш ёки яхши кўрмаслик ихтиёри бўлмайди. Бунга мисол, инсон ўзини, ўз фарзандини, ота-онасини яхши кўришлиги.

**2. Ақлий муҳаббат** - бу муҳаббат аслида инсоннинг фитратида бўлмайди, лекин ақлнинг тақозосига кўра, шу нарсага меҳр қўяди ва уни хоҳлайди. Бунга мисол, бемор кишининг аччиқ дорини истеъмол қилиши. Аслида нафси буни хоҳламаса ҳам, жисмига даво бўлишини билганидан буни хоҳлайди. Яна, бирор инсонни унга манфаъати етиб турганлиги сабабидан уни яхши кўриши.

**3. Иймоний муҳаббат** - бу муҳаббат Аллоҳ таолога ва унинг Расулига иймон келтирган иймонли кишидагина бор бўлади. Бунга мисол, бир мусулмон кишини табиий муҳаббат, (яъни қариндошлиги учун) ёки ақлий муҳаббат, (яъни бирор манфаъат учун) сабабли эмас, балки Аллоҳ учун яхши кўриши.

Ушбу ҳадисда зикр қилинаётган Муҳаммад алайҳиссаломга муҳаббатли бўлиш иймоний муҳаббатдан ҳисобланади.

Агар инсонда иймоний муҳаббат бўлсагина, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳақиқий муҳаббат қила олади.



## **Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Ана, энди бўлди, Эй Умар”, дедилар. (Бухорий ривояти)**

Умар розияллоҳу анҳу айтган гапларининг икки хил эҳтимоли бўлиши мумкин:

1. У киши аввалги ҳолатда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўриш, инсоннинг фитратида бўлган, табиий муҳаббатдан деб ўйлаб, қалбидаги борини очиқ ойдин Набий алайҳиссаломга айтган бўлишлари мумкин, сўнгра бу ийманий муҳаббатдан эканлигини билиб, иккинчи гапни айтганлар.

2. Аллоҳ таоло у кишини Муҳаммад алайҳиссаломга мурожаат қилишлик баракаси билан улуғ мақомга етказди, натижада у кишининг қалбида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан улкан муҳаббат жойлашди.

Қозий шундай деганлар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳақиқий муҳаббатли бўлиш – У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатини қўллаб қувватлаш, унинг шариъатини ҳимоя қилиш ва пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳаётлик чоғида, у зотга ёрдам бериш мақсадида нафсини ва молини сарфлашлик учун, у киши билан бирга бўлишликни орзу қилишликдир”.

Имом Нававий: “Юқоридаги ҳадисда мутмаъиннаҳ нафс (*хотиржам нафс*) билан аммора нафс (*ёмонликка ундовчи нафс*)ларга ишора бордир. Кимнинг мутмаъиннаҳ нафси оғирроқ бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббати кучлироқ бўлади. Кимнинг аммора нафси оғирроқ бўлса, у зотга бўлган муҳаббатининг акси бўлади”, дедилар.

Аллоҳ таоло барчамизни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббатли бўлиб яшашимизни насиб айласин.

**Мадаминов Шокиржон**